

Фалсафада ҳайрат ҳамда ғайрат нишони

Фан ва тан ривожининг ўзига хос боғлиқлиги бор. Жисмоний ва интеллектуал салоҳиятнинг уйғунлиги баркамоллик белгиси. Шунинг учун ҳам жисмонан соғлом бўлган одамнинг фикри тиниқ, қараши теран бўлади. Ақлан ва руҳан соғлом инсон, албатта жисмоний машқларни ҳам четга суриб қўймайди. Ҳар иккаласининг уйғунлигини назарда тутган ҳолда институтимизда ташкил этиладиган турли мусобақалар замирида ана шу мантиқ ётади. Илму фан ва жону тан бирлиги катта моҳиятга эга эканлигини волейбол мусобақасида ҳам кўриш мумкин.

“Гуманитар фанлар” ва “Жисмоний маданият ва спорт” кафедраси билан ҳамкорликда “Жаҳон фалсафа куни” га бағишланган 2 – босқич талабалари ўртасида волейбол бўйича спорт мусобақаси бўлиб ўтди. Ушбу мусобақани фалсафа фанидан дарс берувчи устоз “Гуманитар фанлар” кафедрасининг ассистенти Баҳриддин Муқимов ташаббуси ва “Жисмоний маданият ва спорт” кафедраси мудири Муҳиддин Норқобиловнинг ташкилотчилиги ҳамда ҳаммаслаклигида амалга оширилгани эътиборга молик бўлди.

Спорт мусобақасида 2 курслардан иборат “ГТҚ”, “Еф ва Ек”, “ҚСХЭА”, “ГМ”, “ҚХМ” факультетларида таҳсил олаётган жами 50дан ошиқ талабалар фаол иштирок этишди.

Ўйин қуйидаги натижалар билан якунига етди. Жамоаларнинг ўринлари қуйидагича кўриниш касб этди.

Биринчи ўрин “ГТҚ” факультетининг Жаҳонгир Темиров сардорлигидаги “ЭКЛЕКТИКА” жамоаси, иккинчи ўринни “Еф ва Ек” факультетининг Жаҳонгир Мирзо Ваҳобов бошчилигидаги “ПРОГРЕСС” жамоаси, учинчи ўринни эса “ҚСХЭА” факультетининг Муҳаммаджон Хуршидов раҳбарлигидаги “ПРАГМАТИК” жамоаси эгаллади.

Шуниям айтиш керакки, гарчи юқори ўринларга эга бўлмаган бўлсаларда ўзларининг мантиқий мушоҳадаси ва билимдонлик салоҳияти билан “ГМ” факультетининг Шерозбек Расулов сардорлигидаги “СОФИСТИКА” жамоаси, “ҚХМ” факультетининг Сайфулло Қодиров бошчилигидаги “РЕНЕССАНС” жамоаси ҳам яхши ўйин кўрсатишди.

Ғолибларга, фаол иштирокчи талабаларга фахрий ёрлиқ ва эсдалик совғалари билан бирга маънавият дурдонаси бўлган китоблардан улашилди.



“Гуманитар фанлар” кафедрасининг ассистенти Баҳриддин Муқимов ва “Жисмоний маданият ва спорт” кафедраси мудири Муҳиддин Норқобиловлар ахбороти

Институт матбуот котиби Раҳимбой Жуманиёзов